# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҲУДУДИДА ОМИЛЛАР ТАЪСИРИДА БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ

**Алламбергенова Нуржайна Бектургановна**
*Нукус давлат педагогика институти*

**Аннотация:** *Ушбу мақолада Қорақалпоғистон ҳудудида биологик хилма-хилликнинг омиллар таъсирида ўзгаришнинг асосий сабаблари яъний одамнинг хўжалик ишлари билан боғлиқ омиллар ва табиий ҳавфлар билан боғлиқ омиллар ҳақида баён этилган.*

**Калит сўзлар:** *сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар, ерда ва сувда яшовчилар, балиқлар, эндемик турлар, экотизим структураси, сукцессияларнинг узилиши, минимал улчамлардаги популяциялар, биологик ҳилма ҳиллик.*

Қорақалпоғистон Республикаси худудида 60 дан ортиқ сут эмизувчилар турлари, 307 дан ортиқ қушлар турлари ва кенжа турлари, 33 тур судралиб юрувчилар, 2 тур ерда ва сувда яшовчилар турлари, 28 балиқлар турлари учрашади [2].

Шулар ичида эндемик турлардан Амударёда учрайдиган катта ва кичик амударё сохта куракбуруни, хентаун юмалоқбош калтакесаги, қушлардан: хива қирғовули ва оқ қанотли қизилиштон, кемирувчилардан: ингичка бармоқли суслик, Бобринский тушканчиги, Гептнер карлик тушканчиги учрашади. Бу турларнинг яшаш ареали тор ва Қорақалпоғистон худудида жуда кам сонда учрашади [2].

XVI-XVIII асрларда Оролбуйи далаларида ёввойи куланлар, тарпан ёввойи отлари ва оқ аист қушлари учраган. Ҳозирда эса бу турлар йўқ. XX асрнинг 50-70 йилларида Қуйи Амударё худудида яшаган туран йўлбарси ва бухоро буғуси йўқ бўлган. Қизилқум, Устюрт ва Белтау тепаликларида яшаган Северцов қуйи ва бундан ташқари гепард, гиена ҳам йўқолиб кетган.

Бунга асосий сабаблардан қамишзорлар майдонининг 1,2 млн. га дан 15-20 минг га гача қисқариб кетиши, туқайзорларнинг 300 минг га дан 25 минг га гача қисқариши, табиий яйловларнинг 348 минг га дан 125 минг га гача қисқариши сабаб бўлган [2].

Ҳозирги вақтларда биологик ҳилма ҳиллик кескин қисқариши муҳитдаги табиий мувозанатнинг бузилишига боғлиқ ҳолда бўлмоқда. 1600 йилдан бошлаб ер юзидаги турларнинг ҳилма ҳиллигининг қисқариши (1999 й. маълумотлари бўйича) қуйидагича бўлган: юксак ўсимликларнинг 384 тури, балиқларнинг 23 тури, амфибияларнинг 2 тури, судралиб юрувчиларнинг 21 тури, қушларнинг 113 тури, сут эмизувчиларнинг 83 тури йўқолиб кетган турлар. Ҳозирги вақтда эса ер юзидаги юксак ўсимликларнинг 18699 тури, балиқларнинг 320 тури, амфибияларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 1355 тури, қушларнинг 924 тури, сут эмизувчиларнинг 414 тури йўқолиш ҳавфи остида [1].

Муҳитнинг мувозанати бузилиши тенденцияси қўйидагиларда кўринади:

1. экотизим структурасининг соддалашувига (айрим турлар керак эмас, ортиқча бўлиб қолади);

2. сукцессияларнинг узилишига (якуний климакс стадиясидаги турлар қирилиб кетиш хавфи остида қолади);

3. минимал улчамлардаги популяцияларнинг кўпайиши (мувозанатли муҳитда кам сондаги особлар популяциянинг қайта тикланиб, сонининг бир маромда бўлишини таъминлаб туради, лекин кризислар пайтида кам сонли ва секин кўпаядиган популяциялар умуман йўқолиб кетиши мумкин).

Биологик ҳилма ҳиллик даражасига таъсир этувчи омиллар гурухлари асосан икки гурухда бўлади, булар: одамнинг хўжалик ишлари билан боғлиқ омиллар ва табиий ҳавфлар билан боғлиқ омиллар.

Биринчи гурухдаги омилларга қўйидагилар киради:

- ҳайвонотлар турларини тўғридан тўғри антропоген йўқ этиш. Масалан овчилик ва тукайларнинг қисқариши оқибатида Амударьё дельтаси буйидаги тўқайзорларда аввал яшаган Туран йўлбарси тур сифатида йўқ бўлиб кетди. Амударьёнинг гидрорежими бузилиши билан боғлиқ Амударьё бакра балиғи йўқ бўлиб кетди;

- яшаш жойининг кескин торайиши ёки йўқолиши. Масалан ботқоқлик жойларни қуритиш, урмонларни кесиш ва улар урнини экинзорларга айлантириш. Кўллар буйидаги қамишзорларнинг камайиши сув қушлар учун яшаш жойи ва купайиш жойидан маҳрум бўлиш демакдир;

- одамларнинг табиий муҳитни ташландилар, заҳарли моддалар билан ифлослантириши оқибатида турларнинг камайиши. Ҳавода, сувда ва тупроқда заҳарли моддалар концентрациясининг ошиб кетиши;

- абориген турларнинг интродукция қилинган турлар томонидан сиқиб чиқарилиши. Табиий ҳавфлар билан боғлиқ омиллар, булар қуйидагилар:

- атроф муҳитнинг ҳолатининг глобал миқёсдаги ўзгаришлари – сўнгги 100 йилда ҳаво ҳароратининг ошиб бориши, айрим худудларда ёғингарчилик микдорининг ўзгариши. Бунинг оқибатида баъзи турларнинг тарқалиш ареали ҳам ўзгариши мумкин;

- флора ва фаунанинг табиий эволюцион йўл билан ўзгариши, алмашиши.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Р.Примак. Основы сохранения биоразнообразия. Пер. с англ. О.С.Якименко, О.А.Зиновьевой. М.: Изд-во науч. и уч.-метод. центра, 2002 г.

2. М.Б.Аметов. Редкие и исчезающие виды животных Каракалпакстана. Нукус, изд-во «Билим», 2002.